

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОЙИ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Шодиев Н.Ш., Ўтаназаров С., Ахроров Ю.А.

5А 140801 «Педагогика» ихтисослиги фанлари бўйича

ЛАБОРАТОРИЯ ИШЛАРИ

**«Педагогика ва психология» кафедрасининг
25 май 2007 йил мажлисининг 10-баённомаси
билан тасдиқланган**

САМАРҚАНД

МАКТАБ (КОЛЛЕЖ) ПЕДАГОГИК ЖАМОАСИНИНГ ЎҚУВЧИЛАРНИ ЭКОЛОГИК ТАРБИЯЛАШ БЎЙИЧА ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШ

Мақсад: Мактаб (коллеж) педагогик жамоасининг ўқувчи ёшларга экологик таълим-тарбия бериш бўйича тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш ва бу соҳадаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда келгуси педагогик фаолиятида қўллаш бўйича билим, кўникмаларни шакллантириш.

I. МАКТАБДА ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ МАЗМУНИНИ ЎРГАНИШ:

Бу ишда мактаб жамоасининг экология борасидаги ишлари билан танишадилар. Биология, география ўқитувчилари синф раҳбарлари билан экологик мавзуда суҳбатлашдилар. Биология хоналарини кўздан кечириб ўқувчилар томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишадилар. Экологик тарбия мазмунига эга бўлган дарсларни кузатадилар.

Топшириқлар:

1. Мактаб умумий йиғилиш иш режаси, педагогика кенгаши режалари, методик кенгаш йиғилишлари синф раҳбарлари иш режаларида экологик таълим тарбиянинг йўлга қўйилганлигини аниқланг.

2. Мактаб жамоасида ижтимоий экологик муҳитнинг ҳолатини, мактаб ободончилигини, тозаллигини алоҳида қайд этинг.

3. Мактабда таълим-тарбия самарадорлигига таъсир этувчи экологик омилларни аниқланг.

4. Экологик таълим-тарбиявий тадбирларни кузатиб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

5. Кабинет, ўқув хоналари, фойенинг экологик жиҳозланиши, ўқув тажриба участкаси, жонли бурчак, тўғарак ишлари билан танишиб материаллар йиғинг.

6. Ўқувчиларга экология борасида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг. Ўқитувчилар раҳбарлигида «Яшил назоратчилар» штабини тузишда, унинг ишини жонлантиришда ёрдам беринг.

Вазифа: олинган маълумотлар асосида экологик мазмундаги бир соатлик тарбиявий соат дарсининг режа-конспектини тузинг.

Бакалавр талабалар билан педагогик амалиёт даврида Самарқанд шаҳар 9-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчилари билан ўтказган «Шаҳримиз экологиясини ўрганамиз» мавзусидаги КЭЭ тавсилотини ўрганинг. Экскурсия «Экологик сўқмоқ»нинг бир неча бекатларида ўтказилди. Бунинг учун синф ўқувчилари 4 та гуруҳга бўлинди ва уларга топшириқлар берилди. Бу гуруҳларнинг вазифалари шаҳар ҳудудини учта доира ҳудудга бўлиб, яъни 1-доира шаҳар чегарасидан ташқари ҳудуд: 2-доира шаҳар чегарасидан ичкарига 500 м диаметрда ҳудуд ва 3 доира шаҳар маркази томондаги ҳудуди бўлиб, шаҳар ва шаҳар ташқарисидаги экологик муҳитни ифлословчи омиллар ва унинг тирик организмлар ва жумладан, инсон соғлигига таъсирини таққосланма ўрганишдан иборат.

Тупроқ муҳитининг экологик ҳолатини ўрганувчилар гуруҳи:

Кўрсатма: табиий география курсидан «Тупроқ, тупроқнинг ҳосил бўлиши, тупроқнинг физик-кимёвий хоссаларини, таркибини, унумдорлигини белгиловчи шарт-шароитлар. Тупроқ ва ердан фойдаланишга оид материаллар билан танишиш ўтилганларни такрорлаш. Рельеф харита схемалар, шартли белгиларни эсга олиш».

Жиҳозлар: тупроқ харитаси, намуналар учун халтачалар, лопатка, пинцет, лупа, тупроқ ҳароратини ўлчаш учун термометр ва планшет.

Топшириқ:

1. 0,5 км узунликдан учта тупроқ намуналарини 25-30 см чуқурликдан олинг ва текшириб кўринг. Тупроқ типларини аниқланг, тупроқ қандай жинслардан иборатлигини текширинг.

2. Тупроқнинг физик-кимёвий таркибини аниқланг. Шўрланиш даражаси, донодорлиги, унумдорлиги, намлиги, босилиш даражаси зичлигини аниқланг.

3. Тупроқнинг экологик ифлосланиш даражасини бунинг сабаблари ва бунда антропоген омилнинг таъсирини ўрганинг.

4. Учала ҳудудга оид маълумотни жадвалга ўтказинг ва таққослаб хулоса чиқаринг.

Т/р	Тупроқнинг таққосланма белгилар	Шаҳар ташқариси	Шаҳар чегараси ҳудуди	Шаҳар маркази
1.	Намлиги			
2.	Ҳарорати			
3.	Таркиби			
4.	Ифлосланиш даражаси			
5.	Айнаннималар ифлослайди			
6.	Ифлосланиш сабаблари			

2. Сув муҳитини экологиясини ўрганувчилар гуруҳи:

Кўрсатма: табиатшунослик. Табиий география, кимё, физика, биологиядан сувга оид мавзуларни такрорлаб чиқинг. Халқ хўжалигида сувдан фойдаланиш, сувни ифлословчи омиллар, сувни тозалаш усулларига оид материаллар билан танишинг.

Жиҳозлар: мензурка, пробиркалар, термометр, лупа, микроскоп, пипеткалар, филтрлар.

Топшириқлар:

1. Сувдан намуналар олинг ва унинг физик-кимёвий хоссаларини текширинг. Сувнинг ранги, шаффофлиги, тиниклиги, ҳиди, таъмига эътибор беринг.

2. Сувни ифлословчи омилларни аниқланг ва уларнинг рўйхатини дафтарингизга ёзинг.

3. Турли пробаларни бир-бири билан таққослаб, хулоса чиқаринг ва уларни дафтарингизда қайд қилинг.

Сувнинг тозаллигини Ибн Сино таклиф қилган тортиш усулида аниқланг. Бунинг учун оғирлиги бир хил бўлган иккита латта олинг, сўнг уларни турли

сув манбаларига ботириб, намуналар олинг ва уларни тортиб кўриб таққосланг. Сувнинг ифлосланиш даражаси тўғрисида хулоса чиқаринг. Бу тажрибани биров ўзгартириш ҳам мумкин. Оғирлиги бир хил бўлган 5-6 та латта ёки пахта олинг. Улардан бири контроль учун қолдирилади, қолганлари турли жойлардан олинган намуналарга ботирилиб кўрилади.

Жадвални тўлдилинг ва хулоса чиқаринг:

Т/р	Сувнинг таққосланма белгилари	Шаҳар ташқариси	Шаҳар чегараси ҳудуди	Шаҳар маркази
1. 2. 3. 4. 5. 6.	Таркиби Физик, кимёвий хоссалари Ранги Таъми Ҳиди Сувни ифлословчи омиллар			

3. Ҳаво муҳитининг экологик ҳолатини ўрганувчилар гуруҳи:

Кўрсатма: табиатшунослик, география, физика, кимё, биология фанларидан атмосфера, ҳаво массалари. Ҳаводан фойдаланиш, ҳавонинг физик-кимёвий хоссалари, ҳавонинг тирик организмлар ҳаётидаги аҳамиятига оид мавзуларни такрорланг.

Жиҳозлар: газоанализаторлар, ёпишқоқ қоғозлар, филтрлар, товонча, пробиркалар, дисстиланган сув, спиртовка, калий йодид (KJ), микроскоп лупа.

Топшириқлар:

1. Ҳаводан намуналар олинг, ҳавонинг тиниқ-хиралиги, ҳидига эътибор беринг. Турли аралашмаларни кимёвий анализ қилинг. Газометрдан фойдаланинг. Газ, тутун, чанг сингари қўшимчаларни аниқланг. Ҳавонинг чангланиш даражаси қуйидаги усулда аниқланади: намуна олиниши керак бўлган ўсимлик баргига ёпишқоқ рангсиз қоғозни зич ёпиштиринг ва охисталик билан олинг. Плёнкада баргнинг чангли излари қолади. Сўнг ўқувчилар билан бирга турли нусха изларни бир-бирлари билан солиштириб чангланиш даражаси тўғрисида хулоса чиқаринг. Чанг билан ифлосланган барг намуналарини кимёвий анализ қилишда, ҳар бир намуна алоҳида-алоҳида ҳолда туюб пробиркаларга солинг. Сўнг ҳар бир пробиркага дистилланган сув қуйинг ва кучсиз оловда бир неча дақиқа иситинг. Маълум муддат совутилгач унга калий йодид (KJ) эритмасини қуйинг. Пробиркадаги эритма ранги қуюқ ёки ёрқинлигига (интенсив) қараб кимёвий ифлосланиш даражасини аниқланг.

Жадвални тўлдилинг ва хулоса чиқаринг.

Т/р	Таққослама белгилар	Шаҳар ташқариси	Шаҳар чегараси ҳудуди	Шаҳар маркази
1. 2. 3. 4. 5.	Намлиги Харакати Ифлосланиш даражаси Айнан нималар ифлослайди Ифлосланиш сабаблари			

4. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини ўрганувчилар гуруҳи:

Кўрсатма: тупроқ, сув, ҳаво муҳитида яшовчи ўсимлик, ҳайвонот, микроорганизмларга оид маълумотларни ботаника, зоология, одам анатомияси, умумий биология сингари фанларга оид мавзулардан топиб такрорланг.

Жиҳозлар: дафтар, альбом, рангли қаламлар, лупа, халтача, атлас, аниқлагич, пробирка, пинцет, чизғич.

Топшириқлар:

1. Учала ҳудудлардаги тупроқ, сув, ҳаво муҳитидаги ўсимликлар сони, тури, дарахтлар баландлиги, йўғонлиги, зарарланиш даражаси ва бунинг сабабларини ўрганинг ҳамда дафтарингизда қайд этинг.

2. Белгиланган участкалардаги ҳайвонот дунёси турлари, сони, популяцияси, биогеоценоз озиқ занжирини аниқланг.

3. Ўсимлик, ҳайвонот дунёсига зарар келтирувчи омилларни аниқланг.

Қуйидаги жадвални тўлдириг ва хулоса чиқаринг.

Т/р	Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсининг таққосланма белгилар	Шаҳар ташқариси	Шаҳар чегараси ҳудуди	Шаҳар маркази
1.	Ўсимлик дунёси: тури			
2.	Сони			
3.	Номлари (бўйи, баланлиги)			
4.	Узунлиги			
5.	Эни (йўғонлиги)			
6.	Санитария ҳолати			
7.	Ҳайвонот дунёси: тури			
8.	Сони			
9.	Номлари			

Бакалавр талабалар амалиёти жараёнида ўқувчилар билан «Ўқув экологик сўқмоқ» (ЎЭС) бекатларида ўтказилган «Комплекс экологик экскурсия» (КЭЭ)да тўпланган материалларни қандай умумлаштирилганлигига, системалаштирилганлигига, муҳокамадан ўтказилганлигига алоҳида эътибор беринг. Улар асосида дарс мавзуларини режалаштиришда, амалий машғулотларни ўтказишда синф тарбиявий соатлари, дарсдан ташқари турли экологик тадбирларни ўтказишда синф тарбиявий соатлари, дарсдан ташқари турли экологик тадбирларни лойиҳалаш, жумладан, давра суҳбатлари, экологик кечалар, диспутлар, викториналар, экологик ролли ўйинлар, конференциялар, ҳафталиклар уюштиришда фойдаланиш бўйича тажрибаларини ўрганишга алоҳида эътибор беринг.

Мактаб предмет ўқитиувчиларининг ўқув предметлари мавзулари мазмунига мос равишда уларга экологик мазмундаги материалларни сингдириш бўйича тажрибаси асосида бу соҳадаги педагогик фаолиятингиз режаларини тузинг.

II. ҲИСОБОТ БЎЛИМИ

Бажарган ишларингиз ва тўплаган материалларингиз бўйича ҳисобот тайёрланг.

Ҳисоботда қуйидагиларга алоҳида эътибор беринг:

1. Мактабда экологик таълим-тарбияни амалга оширишда таълим-тарбия жараёнининг мавжуд бўғинларидан фойдаланганлик даражаси.

2. Мактабда экологик тарбияни амалга оширишнинг устувор йўналишларини тавсифланг.

3. Мактабда экологик тарбияни амалга оширишда дарс ва синфдан ташқари ишларнинг ўзаро нисбатини баён қилинг.

4. Мактабда экологик тарбияни амалга ошириш ишларини узлуксизлиги ва узвийлигининг ҳолати ҳақида ўз фикрларингизни баён қилинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А Баркамол авлод. – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Тошкент: Шарқ. 1987. – 64 б.

2. Турдикулов Э. Физика ва экологик таълим. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

3. Нишонбоева М.Г. Биология дарсларида экологик тарбия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1992.

4. Шодиев Н. Бўлажак ўқитувчиларни мактабда экологик таълим-тарбияни амалга оширишга методик тайёрлаш// Узлуксиз таълим ва тарбия муаммолари. Илмий тўплам. – Тошкент: ТошДПИ нашри, 1992. -53-57 б.

5. Шодиев Н. Гуманитар факультетлар талабаларини мактабда экологик таълим-тарбияни амалга оширишга тайёрлаш// Талабаларни мактабда тарбиявий ишларга тайёрлаш. Илмий мақолалар тўплами. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1994. -15-26 б.

6. Мавлонқулов Х. Бўлажак ўқитувчиларни экологик фаолиятга тайёрлаш. – Гулистон: ГулДУ нашри, 2001.

«Оила тарбияси муаммолари» танлов фанидан ўтказиладиган лаборатория машғулотларини ўтказиш методикаси

Магистрантлар билан ўтказиладиган лаборатория машғулотларининг аҳамияти.

Магистрантлар билан ўтказиладиган «Оила тарбияси муаммолари»га бағишланган лаборатория машғулотлари таълим-тарбия жараёнининг муҳим таркибий қисмидир. Магистрантларни бу предмет юзасидан эгаллаган назарий билимларини фаоллаштиради, мустаҳкамлайди.

Лаборатория машғулотларида магистрант талабалар педагогик тадқиқот ўтказишнинг содда методлари ва усуллариини ўрганиб борадилар. Кейинчалик магистрантлар бу методларни ўзларининг илмий тадқиқот фаолиятларида қўллашлари мумкин.

Лаборатория машғулотларида магистрантлар ўз-ўзини синаш жараёнларини амалга ошириш орқали, келгусида қўлланилиши мумкин бўлган синов-тажрибаларни мустақил ўтказишга тайёрланади. Тажрибаларда иштирок этиш, турли хил тадқиқот торшириқларини бажариш магистрантларда ўзларининг педагогик фаолиятларига қизиқишни уйғотади.

Магистрантлар ўз билимларини турли-туман педагогик масалаларни таҳлил қилишлари мумкин. Педагогик масалаларни ечиш жараёнида магистрантлар эгаллётган билимлар бўлажак педагогик фаолият учун жуда муҳимлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Магистрантлар шу тариқа ишларни бажариш жараёнида ўқитувчи томонидан қўйиладиган торшириқларни текшириш имкониятига эга бўлади.

Оилада болаларни тарбиялаш борасидаги тажрибаларни ўрганиш.

Максад: Ҳозирги замон ўзбек оилаларимиздаги тарбиянинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш, эгаллаган билимларни умумлаштириш, такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳазалар жамлаш.

Келгуси амалий фаолиятда қўллаш кўникмаларини шакллантириш.

Оилада тарбиянинг умумий ва хусусий томонларининг мазмунини ўрганиш.

Ўзбек оилалари тарбиясини ташкил этишнинг умумий хусусиятлари билан танишишдир. Тарбияси турли даражада бўлган ота-оналар оила тарбияси муаммоларига бағишланган мавзуларда суҳбатлашадилар. Тарбияси ҳар хил бўлган хонадонларга бўлиб, тарбия жараёнини кузатадилар, ота-оналарнинг тарбияга бўлган муносабатларини кузатадилар.

Топшириқлар:

I топширик:

1. Ҳозирги истиқлол шароитида ота-оналар, болалар ўртасида тарбия жараёнида юзага келадиган муносабатлар, муомила маданиятлари қай даражадалигини аниқланг.

2. Ўта маданиятли, зиёли ва тарбияси ўртага бўлган оилаларда тарбиянинг қандай принципларга асосланган ҳолда ташкил қилганлигини қайд этинг.

3. Барча турдаги оилаларда тарбиянинг самарадорлигини ошириш борасидаги амалга ошириладиган оилавий тадбирларни, омилларини аниқланг.

4. Оилада ота ҳукмрон бўлган оилалар, оилада она ҳукмрон бўлган оилалардаги тарбия жараёнини кузатиш. Бу омилларда тарбия жараёнини қиёсий баҳолаб, ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

5. Оилада тарбияси қийин бўлган фарзандлар мавжуд оилаларни кузатиб, тарбия борасида алоҳида хусусиятга эга бўлган натижаларни тўпланг.

6. Ота-оналар учун педагогик билимларни маҳалла ҳамкорлигида тарғибот қилиш тадбирлари бўйича фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

7. Оила ва таълим-тарбия муассасалари ўртасида ҳамкорликни ва оила тарбияси жараёнининг яхшиланишига ёрдам беринг.

Вазифа: Оилаларни ижтимоий-руҳий тарбиявий имкониятларига кўра туркумлаштириш:

- Оила аъзолари тўлиқ, иқтисодий таъминланиши, турмуш даражаси талабга жавоб берадиган.
- Кўп болали оилаларда тарбия жараёнини ташкил қилишда ижобий ва салбий томонлари.
- 1 ёки 2 фарзанди мавжуд оилаларда тарбия жараёнини ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари.
- Оилада икки ёки уч авлоднинг биргаликда яшаши жараёнида ташкил қилинадиган тарбия жараёни.
- Оилада ота раҳбарлик қиладиган оилаларда тарбия жараёни.
- Оилада она раҳбарлик қиладиган оилаларда тарбия жараёни.
- Оилада фақат ўғил болалар мавжуд оиладаги тарбия.
- Оилада фақат қиз бола мавжуд оиладаги тарбия.

II топшириқ: Оилада тарбия жараёнини такомиллаштиришдаги режим, анъанавий муомила жараёнини кузатиш, таҳлил қилиш.

- Оилада болалар ўртасида меҳнат тақсимооти.
- Оилада болаларни мустақил шуғулланиши учун яратилган шароит.
- Оиладаги урф-одат, анъаналар ҳолатини ўрганиш.
- Оилада туғилган кунларни нишонлаш.
- Оилада кексаларга иззат-иқром кўрсатиш.
- Оилада меҳмон кутиш, меҳмон кузатиш.
- Оилада турли даражадаги тўй, байрам анъаналари.
- Мактабни тугатиш, олий маълумотлиликини нишонлаш.
- Харбий хизматга кузатиш, кутиб олиш анъанаси.

III топшириқ: Оила тарбиясига боғлиқ манбаларни ўрганиш.

- А. Мунавваровнинг «Оила педагогикаси» дарслиги.
- Алломаларнинг оила тарбияси борасидаги фикрларини ўрганиш.
- Ризоуддин ибн Фаҳруддиннинг «Оила» асари.
- Абдурауф Фитратнинг «Оила ёки оила бошқариш тартиблари» китобининг мазмун таҳлили.

- Юқорида баён қилинган фикрларнинг ҳозирги даврдаги тарбия жараёнини қиёслаш, хулоса чиқариш.

ҲИСОБОТ БЎЛИМИ

Барча бажарган ишларингиз ва тўплаган маълумотларингиз бўйича ҳисобот тайёрланг.

Ҳисоботда қуйидагиларга алоҳида эътибор беринг:

1. Сизнингча, оилада тарбия жараёнининг энг муҳим бўғинлари нималардан иборат эканлигини изоҳланг.

2. Бугунги кунда давлатимиз оила тарбиясига қай даражада эътибор бераётганини тасвирланг.

3. Турли даражадаги тарбия жараёнига эга бўлган оилаларни нисбатини баён қилинг.

4. Оилада тарбия жараёнини амалга оширишда узлуксизлик, талаб, ҳурмат, муомила ҳақидаги фикрларингизни баён қилинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т., 1992 й.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т., 1998 й.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т., 2000 й.
4. Мунавваров А.К. Оила педагогикаси. – Т, 1998 й.
5. Мунавваров А.К. Педагогика. – Т., 1996 й.
6. Оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлар.
7. Ҳошимов К. ва бошқалар. Педагогика тарихи. – Т., 1996 й.

“Нафосат тарбияси” танлов фанидан ўтказиладиган лаборатория машғулотларини ўтказиш методикаси

Магистрантлар билан ўтказиладиган лаборатория машғулотларининг аҳамияти.

«Нафосат тарбияси»га бағишланган лаборатория машғулотлари таълим-тарбия жараёнининг муҳим таркибий қисмидир.

Магистрантларни бу предмет юзасидан эгаллаган билимларини фаоллаштиради, мустаҳкамлайди. Лаборатория машғулотларида магистрант талабалар педагогик тадқиқот ўтказишнинг содда методлари ва усулларини ўрганиб борадилар. Кейинчалик магистрантлар бу методлардан ўзларининг илмий-тадқиқот фаолиятларида қўллашлари мумкин.

Лаборатория машғулотларида магистрантлар ўзларини-ўзлари синаш жараёнларини амалга ошириш орқали келгусида қўлланилиши мумкин бўлган синов-тажрибаларни мустақил ўтказишга тайёрланади. Тажрибаларда иштирок этиш турли хил тадқиқот топшириқларни бажариш магистрантларда ўзларининг педагогик фаолиятларига қизиқишини уйғотади.

Магистрантлар ўз билимларини турли-туман педагогик масалаларни таҳлил қилишлари мумкин.

Педагогик масалаларни ечиш жараёнида магистрантлар эгаллаётган билимлар бўлажак педагог фаолият учун муҳимлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилади. Магистрантлар бу тариқа ишларини бажариш жараёнида ўқитувчи томонидан қўйилаётган топшириқларни текшириш имкониятига эга бўлади.

Мақсад: Мактаб, касб-хунар коллежи, академик лекций педагогик жамоасининг ўқувчи ёшларига «Нафосат тарбияси» борасидаги тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва бу соҳадаги ишларини янада самарадорлигини ошириш бўйича тарбиялар ишлаб чиқиш ҳамда келгуси педагогик фаолиятида билим бўйича кўникмаларини шакллантириш.

1. Таълим тарбия муассасаларида «Нафосат тарбияси» мазмунини ўрганиш.

Нафосат тарбияси йўналишида таълим-тарбия муассасаларидаги педагогик жамоанинг олиб бораётган ишлари билан танишадилар. Мусиқа тасвирий санъат ўқитувчилари, синф раҳбарлари, маънавий-маърифат ишлари бўйича дериктор ўринбосарлари билан нафосат мавзусида суҳбатлашадилар. Тасвирий санъат, мусиқа ўқув хоналарини кўздан кечириб ўқувчилар томонидан амалга оширилаётган ишлар билан танишадилар.

Тасвирий санъат, жисмоний тарбия, мусиқа дарсларини кузатадилар.

Топшириқлар:

1. Мактабнинг йиллик календар иш режаси, истиқбол режаси, педагогика кенгаши режалари, синф раҳбари ва маънавий-маърифий ишлар бўйича дериктор ўринбосарлари иш режаларида нафосат тарбияси қандай йўлга қўйилганлигини аниқлаш.

2. Мактаб, касб-хунар коллежи, академик лицейларда нафосат борасида безатилаётган ўқув хоналарининг алоҳида қайд этинг.

3. Мактабнинг эстетик жиҳатдан безатилиши таълим-тарбия самарадорлигини оширишга таъсир этиш даражасини аниқланг.

4. Таълим-тарбия муассасаларида ўтказиладиган нафосат тарбиясига бағишланган тадбирларни кузатиш ва ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

5. Ўқув хоналари, синф хоналари, фаоллар зали ва коридорларнинг дид билан жиҳозланиши, мактаб микроучасткасидаги тартиб билан гуллар, дарахтларнинг экилганлиги ва безатилиши билан танишиб материаллар йиғинг.

6. Ўқувчиларга нафосат тарбияси тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларингизни билдиринг.

Вазифа: Олинган маълумотлар асосида нафосат тарбияси мазмунига бағишланган бир соатлик тарбиявий соат дарсининг режа конспектини тузинг.

Магистрантлар бугунги таълим муассасаларида мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия дарсларида нафосатни ўрганиш ва улар ҳақида ўзаро фикр ва мулоҳазаларини таҳлил қилиш:

- а) мусиқа, тасвирий санъат, жисмоний тарбия дарсларида;
- в) гўзаллик;
- в) улуғворлик;
- г) эстетик онгни шакллантириш;
- д) Наврўз байрамини нишонлаш;
- е) мустақиллик байрамини нишонлаш;
- ж) гўзалликни ҳис этувчи турли машғулотлар;

Таълим-тарбия муассасаларида нафосатни шакллантирувчи турли тадбирларга режалар тузиш:

- а) умумий ўрта таълим мактабларида;
- б) ўрта махсус касб-ҳунар коллежи ва академик лецийларда;
- в) таълим-тарбия муассасаларида ота-оналар билан нафосат тарбиясига бағишланган суҳбат кечаларини уюштириш ва ўтказиш, режаларини тузиш ва шуларга бағишланган мустақил иш тайёрлаш.

Дарсдан ташқари тадбирларда «Нафосат» мавзусига бағишланган сценарийлар яратиш:

- 1. Ташкилий қисм (Наврўз айёмига бағишланган шеър, қўшиқ).
- 2. Ёр-ёр.
- 3. Наврўз айёмига бағишланган сахна кўриниши.
- 4. Баҳор валси.

Ўтказилган барча тадбирларни магистрантлар ўзаро муҳокама қилиш.

ҲИСОБОТ БЕРИШ

Магистрант талабалар таълим-тарбия масаласида нафосат тарбия беришда бажарган ишлари ва тўплаган материаллари бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Ҳисоботда қуйидагилар алоҳида эътибор бериш керак:

1. Мактабда нафосат таълим-тарбияни амалга оширишда, таълим-тарбия жараёнинг мавжуд бўғинларидан фойдаланиш даражаси.

2. Таълим-тарбия муассасаларида (мактабда, касб-хунар коллежларида, академик лецийларда) нафосат тарбиясини амалга оширишнинг устувор йўналишларини тавсифлаш.

3. Касб-хунар коллежларида нафосат тарбиясини амалга ошириш дарс ва синфдан ташқари ишларнинг ўзаро нисбийлигини баён қилинг.

4. Таълим-тарбия муассасаларида нафосат тарбиясини амалга оширишнинг узликсизлиги ва узвийлигининг ҳолати ҳақида ўз фикрларингизни баён қилинг.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов А.И. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. - Тошкент: Шарқ, 1997 й.

2. Акбарова Р.Т. Нафосат тарбиясида узвийлик. – Т., 1999 й.

3. Умаров Э., Каримов Р., Мирсаидова М., Айхаджаева Г. Эстетика асослари. - Т., 2002 й.

4. Умаров Э. ва бошқалар. Эстетика асослари. - Т., 2004 й.

5. Коменский Я.А. Буюк дидактика. - Т., 1975 й.

6. Мунавваров А. Педагогика. - Т., 1996 й.

1-лаборатория иши

Миллий-ахлоқий тарбия ривожланишининг назария ва амалиёти (2 соат)

Режа:

- 1. Миллий-ахлоқий тарбия ҳақида тушунча, унинг инсон камолоти ва фаолиятида тутган ўрни.**
- 2. Миллий модел.**

МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР:

«Миллий-ахлоқий тарбия» нинг таърифини ўрганиш лаборатория ишининг асосий мақсади ҳисобланади. «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳар бир олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис миллий-ахлоқий баркамол шахс бўлишлиги, касбини камолотга етказиши лозимлиги таъкидланган. Ушбу мақсадда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида миллий-ахлоқий фазилатларни ўқувчиларда шакллантиришдек олий мақсадга эга бўлган анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда. Бу масалага малака ошириш тизимида ҳам эътибор кучайтирилган.

Қуйидаги топшириқлар юқорида баён этилган муаммоларни ечишни бир мунча енгиллаштиради.

Топшириқлар:

1-топшириқ. «Талабаларни миллий-ахлоқий тарбиялашнинг педагогик асослари» фани бўйича мустақил ўқиш учун тавсия этилган адабиётлар ҳамда матбуотда эълон қилинган материалларни диққат билан ўқинг ва конспектлаштиринг. Таълим-тарбия самарадорлиги ва сифатини оширишда мазкур тарбиянинг роли ҳақида хулоса чиқаринг. Мазкур жараёнда муайян бўлажак мутахассиснинг касбий вазифалари нималардан иборат эканлиги ҳақида мустақил фикрингизни баён этинг.

2-топшириқ. «Миллий-ахлоқий тарбия» тушунчасини таърифланг ва таҳлил этиб беринг.

Иккинчи топшириққа эталон жавоб: Миллий тарбия – бу ўтмиш ота-боболар урф-одатлари, тили, маънавий дунёсининг инсон шахсида ботиний ва зохирий акс этишидан иборатдир, уни амалиётда тарбиялаш миллий мактабнинг вазифасидир.

3-топшириқ. Миллий ва умуминсоний тарбиянинг бир-бирига боғлиқлиги. Мазкур соҳадаги педагогик фаолият – ёшларни ҳаётга, меҳнатга, Ватан мудофаасига тайёрлаш учун халқ, давлат ва жамият олдида жавоб берадиган, болаларга таълим-тарбия бериш, илм билан шуғулланидиган ва бу ишга махсус тайёрланган кишиларнинг меҳнат фаолиятидир. Педагогик фаолиятнинг самарадорлиги ўқитувчининг педагогик маҳорат даражаси билан узвий боғлиқдир.

4-топшириқ. Мазкур фаннинг асосий вазифалари нималардан иборат?

Тўртинчи топшириққа эталон жавоб: миллий-ахлоқий тарбиянинг асосий вазифаси муайян миллатга хос бўлган умуминсоний ва миллий қадриятларни мутаносиб равишда шакллантиришдан иборатдир.

5-топшириқ: Миллий модел нима?

Бешинчи топшириққа эталон жавоб: Қуйидаги таълим турлари фақат Ўзбекистон Республикасигагина хос бўлиб, жаҳонда бу модел «Ислом Каримов» ёки «Ўзбек» модели деб тан олинган ва у Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги даврдаги тараққиёти, ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттирувчи муҳим омилдир. Республикамиздаги Олий ва ўрта махсус таълим тизими 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» асосида амал қилади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов Олий мажлисининг мазкур сессиясида қилган тарихий нутқида «халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этади. Шу сабабли бу масалага алоҳида диққат-эътибор қаратиш даркор. Узлуксиз таълимни давлат таълим стандартлари ва тегишли таълим дастурлари билан таъминлашда аввало уларнинг жаҳон талаблари даражасида бўлишига, юксак маънавият заминиди қурилганлигига асосий эътибор бериш керак» лигига алоҳида урғу бериб, қуйидаги тизимни асос қилиб олишни таклиф этган эди.

Биринчи. Мактабгача таълим. Уч ёшдан бошланиб, олти-етти ёшгача оилада, болалар боғчасида ва мулкчилик кўринишидан қатъи назар, бошқа хил таълим муассасаларида олиб борилади.

Иккинчи. Узлуксиз таълим. 1-4- синфларни ўз ичига олади ва бунда ўқиш олти-етти ёшдан бошланади.

Учинчи. Умумий таълим. Бунда ўқувчиларга 5-9-синфлар доирасида билим ва тарбия берилади.

Тўртинчи. Ўрта махсус билим ва касб-ҳунар таълими. Ўқиш муддати 3йилдан кам бўлмаган академик ва касб-ҳунарлицейлари ва коллежлари.

Бешинчи. Олий мутахассислик таълими одатда ўн саккиз-ўн тўққиз ёшдан бошланиб, тўрт йилдан кам бўлмаган муддатда давом этади.

Олий мутахассислик таълими бакалавриат ҳамда магистратурага бўлинади. Олий таълим ўрта махсус, касб-ҳунар таълими негизига асосланади. Олий таълимга академик лицей ва касб-ҳунар коллежини тугатган шахсларгина қабул қилинади.

Бакалавриат – мутахассисликлар йўналиши бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, таълим олиш муддати камида тўрт йил давом этадиган олий таълимдир.

Бакалаврлик дастурини муваффақиятли битирган талабаларга давлат аттестасияси якунларига биноан «бакалавр» даражаси ва тигишли намунадаги диплом берилади. Бундай даражага эга бўлган шахс ўзи танлаган соҳа бўйича олий маълумотли мутахассис ҳисобланади ва давлат классификатори асосида муайян лавозимда ишлаш ҳуқуқига эга бўлади. Унинг ихтисослик даражасини эса давлат стандарти аниқлаб беради.

Магистратура. Аниқ ихтисос бўйича фундаментал ва амалий билим берадиган, бакалаврият негизида давом этадиган икки йиллик олий таълимдир.

Магистратурадаги таълим якуний малакавий давлат аттестасияси ва магистрлик диссертасиясини ҳимоя қилиш билан поёнига этади. Магистратурага давлат томонидан тасдиқланган намунадаги, муайян касб-ҳунар фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берадиган диплом топширилади. Магистр ўз ихтисослиги бўйича юксак малакали мутахассис сифатида бакалаврдан фарқ қилади, у илм-фан, ишлаб-чиқаришнинг масъул лавозимларида ишлаш, аспирантурада ўқиши мумкин.

Олтинчи. Олий ўқув юртидан кейинги таълим узлуксиз таълимнинг якунловчи босқичи бўлиб, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» да унинг қуйидаги вазифалари белгилаб берилган: «Олий ўқув юртидан кейинги таълим олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларга бўлган эҳтиёжларини қондиришга, шахснинг ижодий таълим – касб-ҳунар манфаатларини қаноатлантиришга ва узлуксиз таълим тизимини таъминлашга қаратилган».

Узлуксиз таълимнинг мазкур тури икки даражага бўлинади:

- 1) Аспирантура, магистрлик негизида 3 йил (4 йил сиртки) давом этади, докторлик диссертасиясини ёқлаш билан якунланади.
- 2) Доктарантура, фан номзоди илмий даражаси негизида 4 йил давом этади, докторлик диссертасиясини ёқлаш билан тугалланади.

Номзодлик ва докторлик илмий даражаларининг мақсади муштарак бўлиб, муайян мутахассисликлар бўйича олий тоифали илмий ва илмий педагогик кадрларни шакллантиришдан иборат.

Еттинчи. Мутахассисларни қайта тайёрлаш.

Мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш шакли таълим муассасаси томонидан таълим дастурининг мураккаблиги ҳисобга олинган ҳолда ва буюртмачининг у билан тузган шартномаси асосидаги эҳтиёжларига мувофиқ равишда белгиланади. Мутахассисларни касбий қайта тайёрлаш жараёни ЯДА билан тугалланади. Уни ўтказиш эса, таълимни бошқариш бўйича тегишли давлат органлари томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасида жаҳон талаблари даражасида қуйидаги олий таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда.

1) Университетлар – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг кенг соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурларини амалга оширувчи олий таълим муассасалари.

2) Академиялар – кадрлар тайёрлаш ва билимларнинг аниқ соҳалари бўйича олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширувчи олий таълим муассасалари.

3) Институтлар – билимларнинг битта танланган соҳаси бўйича **аниқ йўналишларда** олий ва олий ўқув юртидан кейинги таълим дастурини амалга оширадиган олий таълим муассасалари. Олий таълим муассасаларида уларнинг мақсад ва вазифаларига мос равишда факултетлар, бўлимлар, кафедралар ва талабаларнинг академик гуруҳлари тузилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий-ахлоқий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Тошкент; Ўзбекистон, 1996. 1- жилд.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 2- жилд.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 3- жилд.
5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон» ахборот агентлиги мухбирларининг саволларига жавоблар.–Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун.- Т.: 1997.
9. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий-ахлоқий дастури» Т.: 1997.
10. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг концепцияси.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 1992.
12. Авлоний А. Туркий гулистон ёҳуд ахлоқ. Т.: 1996.
13. Беруний А. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: 1992.
14. Кайковус. Қобуснома. – Т.: 1994.
15. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.:1994.
16. А.Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.:1994.
17. Педагогика (Маърузалар матни). Проф. Ғайбуллаев таҳрири остида. – Т.: ТошДУ нашри, 1999.
18. Узоқов Ҳ., Ғозиев Е., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. – Т.:1992.
19. Ғайбуллаев Н.Р. Баркамоллик, маҳсулдорлик – тараққиёт калити. – Т.:1995.
20. Ҳасанова О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
21. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
22. Алиқулов Х., Жалолиддин Девоний. – Т.: 1992.
23. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
24. Мусурмонова О. Ўқитувчилар маънавий маданиятини шакллантириш. – Т.: 1993.
25. Мирзаахмедов О.Б. Одоб олтиндан қиммат. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
26. Хайруллаев М.М. «Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти». – Т.: Фан, 1994.

- 27.Хайруллаев М. Форобий руҳий просесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: Ўқитувчи, 1967.
- 28.Раҳимов С.Р. Абу Али ибн Сино: Таълим ва тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1967.
- 29.Хайруллаев М. «Абу Наср Форобий» – Т.: 1986.
- 30.Ашраф Аҳмад. «Улуғбек Муҳаммад Трағай» – Т: 1994.
- 31.Тоҳиров М., Аҳроров Ю. Мирзо Улуғбек буюк мутафаккир. – Т.: 1992.
- 32.Миллий-ахлоқий қадриятлар ва таълим-тарбия муаммолари. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро конференция тезислари.- Самарқанд: СамДУ нашри, 1996.
- 33.Шодиев Н. Ва б.қ. Темурийлар даври илмий меросидан миллий-ахлоқий тарбиявий жараёнда фойдаланиш. «Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. 2-қисм, Самарқанд, 1996.
- 34.Шодиев Н. Мактаб ўқитувчиси ва миллий-ахлоқий тарбия «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва малака ошириш тизими муаммолари. – Самарқанд, 1998.
- 35.Шодиев Н. Ўрта Осиё мутафаккирларининг педагогик мероси хориж замонавий таълим технологиясида. «Хорижий таълимнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги халқаро конференция материаллари, - Самарқанд, 1999.
- 36.Шодиев Н. Аждодлар маънавий-буюк мерос. «Зарафшон» газетаси. – 2000й. 6 январ.
- 37.Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий-ахлоқий тарбия. –Т: Фан, 1994.
- 38.Тўракулов Х.К. Илмий ижодиёт методологияси. –Т: Фан, 2006.

2-лаборатория иши
Миллий ахлоқий тарбиянинг амалий асослари. Миллий ахлоқий тарбиянинг дидактик тизими ўрганиш (2 соат)

Режа:

- 1. Миллий-ахлоқий тарбиянинг ижтимоий-тарихий илдизига доир.**
- 2. Миллий-ахлоқий тарбия амалиёти.**

МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР:

«Миллий-ахлоқий тарбия» нинг асосий пойдеворини ижтимоий-фалсафий фанларга доир билимлар ташкил этади. Бундай билимлар тизими эса ўқитилаётган фан тизимини, услубияти, педагогикаси ва психологиясига доир билимлар ўз ичига олади. Шунинг учун Ўзбекистон Республикасининг «таълим тўғрисида»ги Қонунида (5 модда) «Тегишли маълумоти, касб тайёргарлиги, бой ва юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган шахслар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга» эканлиги таъкидланган. Бу ўринда хорижий ва буюк Шарқ педагоглари нинг миллий-ахлоқий тарбия тўғрисидаги фикрларини ўрганиш катта аҳамиятга эга.

Бу муаммони ечиш учун эса қуйидаги топшириқларни бажариш ёрдам беради.

Топшириқлар:

1-топшириқ. Шарқ ва Ғарб мутафаккирларининг мавзуга доир фикрларини диққат билан ўрганинг ва конспектлаштиринг.

Биринчи топшириққа эталон жавоб: Ўзбек миллий-ахлоқий тарбиясининг асосий йўналишларидан бири - инсонни меҳнатга бўлган муносабатини таркиб топтиришдан иборат.

Меҳнат фаолияти ўз функциясига монанд ижтимоий характерга эга. У кишиларнинг яшаш манбаигина бўлиб қолмасдан, балки унинг жараёнида шахс шаклланади ҳамда унда ҳар бир шахс ўзини ҳар томонлама намоён қилади. Меҳнат - давлат, жамият, халқ, ҳар бир оила ва шахснинг борлиги, келажаги, равнақини белгилаб берувчи асосий мезон ҳисобланади. Чунки меҳнат инсон ва инсоният билан бирга пайдо бўлган, улар билан бирга ўсган ва ривожланган энг асосий йўлдошдир. Ҳар бир инсон, халқнинг меҳнатга бўлган муносабати ва меҳнат фаолиятининг маҳсулига қараб унинг асл қиёфасини ҳар томонлама аниқлаш мумкин.

Ўзбек халқи меҳнат орқали шахсни ахлоқий жиҳатдан шакллантириш бўйича ўзининг бой назарий ва амалий меросига эга. Уни ҳар томонлама таҳлил қилиш, мазмунан ёш авлодга сингдириш ҳозирги ва кейинги даврларнинг ҳаётий муаммоларидан биридир. А.К.Мунавваров таъкидлаганидек, “... меҳнат замирида шахснинг ахлоқий сифатлари - меҳнатсеварлик, ерга ва табиатга муҳаббат, сувни исроф қилмаслик, сахийлик, ҳар бир сўмнинг қадрига етиш, қаҳрамонлик, меҳнат бахт келтиришни англаш кабилар қарор топади”.

Ёшларни меҳнат орқали ва меҳнат учун миллий-ахлоқий ахлоқан тайёрлаш халқ тарбия мажмуасида асосан тўлиқ бир йўналишда – ёш авлодни

ҳалол меҳнатга тайёрлаш, ҳалол меҳнати орқали ризқ топишни ўргатишга қаратилган, яъни ўзбек халкининг “Ошинг ҳалол бўлса, кўчада ич” мақоли пешона тери, бел ва ақл қуввати орқали ҳосил қилинган моддий ашёларнинг таснифидир.

Шу сабабли турк элатларга мансуб ўзбек халқи ўз болаларини кичик ёшидан бошлаб, уларнинг кучи, ёши, жинси, қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, ҳаёт меҳнатига тайёрлашган ва буни шахснинг ижобий ҳислатларидан бири деб ҳисоблашган. “Ўғил - қизга санъат-ҳунар ва билим ўргатиш керак, токи бу фазилатлар туфайли уларнинг феъл-атворлари ва йўриқлари матлуб бўлсин”, - дейди Юсуф Хос Ҳожиб.

Қадимги аجدодларимиз инсон фақат ўз ҳалол меҳнати орқали жамиятда ўз ўрнини топиши, жамоа, кишилар ўртасида обрў-иззат кўришини яхши билишган. Шунинг учун ҳам ҳар бир “Йигитга қирқ ҳунар ҳам оз” деб ҳисоблашиб, “Фарзандларга кичиклигида билим ўргатиш керак, бола кичиклигида билим ўрганса, баркамол бўлади”(Ҳожиб), - деб таъкидлашган.

Халқ педагогикасида таърифланишича, “...ёш авлодни меҳнат фаолиятига ахлоқий-психологик тайёрлаш...” энг асосий муаммолардан биридир. Бу масалани ҳал қилинишида кўп томондан меҳнатни шахснинг жинси, ёш хусусиятлари, оиладаги “социал статусига” қараб тақсимланиши ва бажарилиши муҳим аҳамият касб этган. Дарвоқи, ўзбек оиласида эркак киши ҳал қилувчи фигура ҳисобланиб, оилани моддий жиҳатдан таъминловчи ва маънавий барқарорлигини сақловчи, алоҳида “овозга” эга шахс ҳисобланган. Бу ҳол табиат қонуниятидан (Бухорий, Форобий, Юсуф Хос Ҳожиб) келиб чиққан бўлиб, турли оғир меҳнат фаолиятига фақат эркаклар тайёрланганлар, яъни кучи ва жинсига қараб фойдали касбга йўналтириш ҳамда касбий хусусиятларни тарбиялаш энг мақбул йўл сифатида амалга оширилган.

Шунингдек, бу масалада қизлар тарбиясига ҳам алоҳида эътибор берилган бўлиб, у қуйидаги йўналишларда олиб борилган:

Биринчидан, қизлар бўлажак она сифатида, оилада бола тарбиясининг амалиётчиси - бевосита шуғулланувчиси сифатида шакллантирилганлар;

Иккинчидан, уларни оиланинг маиший хизматида, яъни уй-рўзғордаги турли ишларга - мазали таомлар пишириш, уй-жойни саранжом - саришта сақлаш, чиройли либослар тикиш, хоналарни безатиш учун буюмлар яратишга ўргатганлар;

Учинчидан, оналарнинг оиладаги мавқеи камситилмаган ҳолда, лекин жисмонан “заифа”лар сифатида жисмоний ривожланиши ва кучига мос келадиган турли ҳунарлар ўргатилган ҳамда шу соҳа бўйича амалий ишларга жалб қилинганлар.

Меҳнатнинг жинсга қараб бундай табақалаштирилиши оиладаги ахлоқий муносабатларни мувофиқлаштирилишига асосий омил бўлиб хизмат қилади. Натижада, жамиятнинг асосини ташкил қилувчи бошланғич занжир ҳисобланган оила ота раҳбарлиги, она хомийлиги ва болаларнинг фаол функциялари орқали бузилмас кўрғон шаклига келтирилган бўлиб, моддий ва маънавий бойликлар ҳамда тарбиявий таъсирларнинг манбасига айланган.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, собиқ шўро педагогикаси тарбия мазмуни, тамойилларида шахс тарбиясида жинсий хусусиятларни ҳисобга олиш назарда тутилмаган эди. Чунки тарбия назариясида унинг ёритилиши, талқин қилиши, эркак ва аёлларнинг «пролетарча тенг ҳуқуқлилиги» номли «социал заказ»(буюртма)га ғилоф ҳисобланарди. Натижада ўзбек халқининг анъанавий тарбия ишига катта талофат етказилди, уни маҳсули сифатида кўплаб оилаларнинг бузилиб кетиши, болалар тарбияси сифатининг кескин камайиши каби ҳоллар рўй берди. Чунки турли жинсларнинг хусусиятлари ҳисобга олинмаган «умумий, тенг ҳуқуқли тарбия» нейтрал жараён ҳолатида қолаверди, ҳамда «буржуача эскилик қолдиқлари» номи билан аталган шахснинг турли салбий иллат – ахлоқий хусусиятларини шўро даврида туғилган ва яшаётган кишилар онгидан ҳам йўқотишни иложи бўлмади. Чунки собиқ шўро тузуми ахлоқий тарбия назарияси ва амалиёти ўртасидаги «чуқур жарлик» ҳамда номутаносиблик бунга йўл қўймасди. Собиқ социалистик тузум педагогик назариясида ахлоқан пок шахсни шакллантириш ғояси илгари сурилган бўлса-да, тарбия омилларидан бири бўлган ижтимоий муҳит(жамият) амалиётида порахўрлик, кўзбўямачилик, фоҳишабозлик, иккиюзламачилик, ўғирлик-ташимачилик, ичкиликбозлик ва бошқа каби ўта салбий хулқ-атвор ва ҳаракатлар ярим очик, ярим ёпиқ ҳолатда мавжуд эди. Бу эса миллий-ахлоқий тарбия негизи – ахлоқий тарбия жараёнини оптимал, тўлиқ сифатли қилиб амалга оширишга акс таъсир қилди.

2-топшириқ. Миллий-ахлоқий тарбия амалиёти.

Иккинчи топшириққа эталон жавоб:

Ал-Хоразмий: педагоглар фаолиятига шундай баҳо беради: «Улардан бири ўзидан аввалгилар қилган ишларини амалга оширишида бошқалардан узиб кетади ва ўзидан аввалгиларнинг асарларини шарҳлайди, табиат сирларини очади, йўлни ёритади ва уни тушунарлироқ қилади. Ёки бу айрим китоблардан нуқсонлар топадиган ва сочилиб ётганини тўплайдиган одам бўлиб, у ўзидан аввалгилар ҳақида яхши фикрда бўлади. Такаббурлик қилмайди ва ўзи қилган ишдан мағрурланмайди» («Ал-жабр вал-муқобал»).

Ал-Форобий: унингча педагоглик касби билан ўзида 12 туғма қобилиятни мужассамлаштирган кишилар шуғулланиши керак деб ҳисоблайди: 1) Барча органлари мукаммал тараққий этган; 2) барча масалани тез ва тўғри тушуна оладиган; 3) Хотираси кучли; 4) Зеҳни ўткир; 5) Нутқи равон; 6) Билиш ва ўқишга муҳаббати кучли; 7) Кўзи тўқ, покиза; 8) Ҳақиқатпарвар; 9) Ғурурли ва виждонли; 10) Пулни севмайдиган; 11) Адолатли; 12) Қатъиятли, қўрқмас ва жасур кишилар.

Абу Райхон Беруний: ўқувчини ҳамма нарсага ўргатиш санъати ҳақида фикр юритади, табиатга мослик, болаларга шахсий хусусиятларини тарбия жараёнида ҳисобга олиш принципини ишлаб чиқади.

Абу Али ибн Сино: «Узоқ муддат давомида қаттиқ товуш билан бақириш жуда хавфлидир. Чунки бақириш кўп миқдорда хавони ташқарига чиқаришни талаб қилади. Буларнинг ҳар иккиси ҳам хавфлидир. Овозни йўқотмаслик, нафас олиш органини ишдан чиқармаслик учун, аввало, ўқишни

паст овоз билан, кейинчалик аста-секин кучайтириш лозим. Лекин кучли овоз билан ўқиш ҳам узоқ давом этмаслиги керак» («Тиб қонунлари»).

Юсуф Хос Ҳожиб («Қутадғу билиг»):

Мураббийни яхши кишилардан олгин,

Ўғил-қиз пок ўсади (номатлуб ишлардан), фориғ туради.

Ўғил-қизга билим ва одоб ўргат,

Икки олмага мулки, унинг манфаати етарли бўлади...

Ўғилга барча санъат-хунарларни тугал ўргат,,

Бу санъат-хунарлар билан у иол-дунё йиға беради.

Бурҳониддин Зарнужий: ўрганувчилар зиммасида барча фанлар орасидан энг муҳимларини танлаш вазифаси туради. Билимларга бўлган қизиқиш шуни талаб этадики, ўқитувчисига ва ўрганаётган фанга, китобига нисбатан тўла қаноатли бўлсин, муваффақиятсизликни ўзидан йироқлаштириш билимнинг махсус бўлимига нисбатан ҳам шундай иш тутмоқ керак. Билимларни чуқур ўрганишнинг 6 шарти мавжуд: ақл-фаросат, кучли истак, чидам, озиқ-овқат, ўқитувчи таълими ва билим олиш учун етарли вақт.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
2. Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирлари. – Т.: 1991.
3. Хайруллаев М. Абу Наср Форобий. Тошкент: Фан, 1996.
4. Қаямов А. Абу Райҳон Беруний. Абу Али ибн Сино. –Т.: Фан, 1987.
5. Юсуф хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». Тошкент: 1972.
6. Аҳроров Ю., Қобилова Р. Ўрта Осиё мутафаккирларининг педагогик қарашлари. Самарқанд: 1999.
7. Ибн Сино «Тиб қонунлари». Тошкент: Фан, 1999. I-III жилдлар.
8. Аҳроров Ю.А. Педагогик маҳорат. Ўқув қўлланма. – Самарқанд, 2002.

3-лаборатория иши
Олий мактабда талабаларни миллий ахлоқий шакллантиришнинг
педагогик шарт-шароитлари ўрганиш (1 соат)

Режа:

- 1. Талабаларни аудиторияда миллий-ахлоқий шакллантириш.**
- 2. Талабаларни аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида миллий-ахлоқий шакллантириш.**
- 3. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш жараёнида миллий-ахлоқий шакллантириш.**

МЕТОДИК КЎРСАТМАЛАР:

Талабаларни аудитория машғулотлари жараёнида миллий-ахлоқий тарбиялаш лаборатория ишининг асосий мақсади ҳисобланади. Бунда «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ҳар бир олий ва ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис миллий-ахлоқий баркамол шахс бўлишлиги, касбини камолотга етказиши лозимлиги ҳақидаги билимларни ўрганиш катта аҳамиятга эга. Ушбу мақсадда олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида миллий-ахлоқий фазилатларни ўқувчиларда шакллантиришдек олий мақсадга эга бўлган анжуман ва семинарлар ўтказилмоқда. Бу масалага малака ошириш тизимида ҳам эътибор кучайтирилган.

Қуйидаги топшириқлар юқорида баён этилган муаммоларни ечишни бир мунча енгиллаштиради.

Топшириқлар:

1-топшириқ. Талабаларни аудиторияда миллий-ахлоқий шакллантириш.

Биринчи топшириққа эталон жавоб:

Ўзбекистон қадимий Турон, Мовароуннаҳр, Туркистоннинг таркибий бир қисми сифатида 1991 йилда мустақиллика эришди. Ўзбек халқининг бир ярим асрлик орзуси амалга ошди. Мустақиллик, озодлик, миллий-ахлоқий маънавият, Ватан, миллат ва миллий-ахлоқий ғурур каби тушунчалар ҳам озодликка чиқди. Озодлик мустақилликсиз, Ватансиз миллий-ахлоқий ғурур, миллий-ахлоқий маънавиятсиз миллатни тасаввур этиш қийин. Собиқ шўро тузуми даврида ўзбеклар бундай буюк неъматлардан маҳрум эди.

Ўзбекистон Республикасининг суверен, демократик, ҳуқуқий, дунёвий, миллат сифатида таркиб топиши унинг олдида ечилиши лозим бўлган муҳим вазифаларни кўндаланг қилиб қўйди. Улар сиёсий давлат қурилиши ва бошқарув, иқтисодий, ҳарбий масалалар бўлиб, уларнинг тўғри ҳал қилиниши мустақил давлат ҳамда миллат келажагини белгилаб беради.

Мустақиллик, Ўзбекистон давлатининг келажаги собиқ шўро тарбия тизимидаги йўл қўйилган хатоликларни бартараф қилиш ва ҳозирги давргача ўзбек халқининг ҳосил қилинган прогрессив тарбиявий тажрибаларига таянган ҳолда, мустақил Ватан талабларига мос равишда, ижобий тарбияланган комил

инсонни таркиб топтириш масаласини ҳал қилишни муҳим вазифа қилиб қўйди.

Мустақиллик шарофати орқали миллий-ахлоқий тарбия давлатнинг устувор йўналишига айланди. Бир ярим аср топталган миллий-ахлоқийлик, ўзликни англаш ва миллий-ахлоқий ғурур, диний ахлоқиётни тиклаш ҳамда ривожлантириш имконияти яратилди. Лекин тарбия жараёни ўта машаққатли, узоққа чўзиладиган ва қийин жараёндир. Шахсда маълум бир ижобий хислат ва фазилатларни шакллантириш учун ойлаб, йиллаб таъсир кўрсатиш лозим бўлади. Шахсда эса таркиб топтирилган тарбия натижасини аниқлаш, ўлчаш ва амалда синаш қийин масалалардан бири ҳисобланади, чунки у таълим эмас.

Собиқ шўро тарбияси йўналиши, мазмуни эса ўзбек халқи тарбиясини фалокат ёқасига олиб келиб қўйган ва унда дарз пайдо бўлган эди. Ушбу ҳолат, айниқса, шаҳар муҳиtida кўпроқ сезилиб, қишлоқда тарбиядаги миллий-ахлоқийлик хусусиятлари кўпроқ сақланган эди. Лекин, умуман олганда қадимий халқ ҳисобланган ўзбеклар тоталитар шўро тузумининг мафкуравий таъзиқи таъсири, қопқоғи остида бўлган бўлса—да, ўзининг туб миллий-ахлоқий тарбия асосини маълум ҳолатда сақлай олди. Ушбу асосни мустаҳкамлаш, илдизларни азалий, бақувват ҳолга келтириш мустақил мамлакатнинг долзарб муаммоларидан бири сифатида ечимини кутиб турарди. Ушбу масалалар қуйидагилардан иборат эди:

- миллий-ахлоқий онгни қайта тиклаш;
- миллий-ахлоқий қадриятларни тиклаш;
- ижобий маҳалла жамоатчилиқ фикрини азалий ҳолга келтириш ва ривожлантириш;
- тарихни ҳаққоний ёритиш ва шу асосда ёш авлодни тарбиялаш;
- миллий-ахлоқий ғурурни, ўз –ўзини англашни таркиб топтириш;
- оиланинг миллий-ахлоқий тарбия ўчоғи, муқаддаслигини давлат сиёсати даражасига кўтариш;
- тўлиқ маънода Ватан билан фахрланиш, ҳақиқий ватанпарварлик ҳиссини шакллантириш;
- маънавий ҳаётда ислом динининг ўрни ва ҳурматини тиклаш ҳамда унинг ахлоқиётидан комил инсонни таркиб топтиришда оқилона фойдаланиш;
- таълим мазмунига миллий-ахлоқий маданий–тарихий меросни киритиш ва миллий-ахлоқий руҳни яратиш;
- ҳақиқий инсонпарварни таркиб топтириш, фақат ўз миллатига мансуб эмас, балки шу билан биргаликда, бошқа миллат вакилларига ҳам дўстона муносабатда бўлишни шакллантириш;
- миллий-ахлоқий тил ва адабиётни шахс тарбиясидаги моҳиятини ошириш;
- таълим ва тарбия тизимини миллат келажаги нуқтаи назарида қайта қуриш;
- соғлом турмуш тарзи хусусиятларини шакллантириш;
- Ярим Шарқ ва ярим Ғарб тарбия тизимини ҳақиқий миллий-ахлоқий тарбияга айлантириш;

- ижтимоий–миллий-ахлоқий тарбия маскани ҳисобланган маҳалланинг ролини ўз ўрнига қўйиш.

Ушбуларни амалга ошириш жуда қийин ва мураккаб вазифалардан бири ҳисобланади. Чунки, Ўзбекистон аҳолисининг ўрта, катта ёшдаги қисмлари маънавияти, руҳияти собиқ шўро тизими даврида таркиб топган ва улар собиқ советлар идеологияси руҳиятида фикрлайдиган ҳамда ўша руҳда фаолият кўрсатаётган инсонлар эди. Улар тўлиқ шаклланиб бўлган ва уларнинг маънавияти, руҳиятини янги йўналишга бошқариб юбориш, янги руҳий – тарбиявий «портлаш» жараёнини содир бўлишини кутиш катта куч, ақлни талаб этарди.

Зиёлилар ҳам шўролар мафкураси қолиплари асосида таркиб топтирилган, шўро сиёсатининг фаол тарғиботчилари ва уни амалга оширувчилари эди. Уларнинг руҳияти, мафкурасини мустақиллик талаблари асосида қайта таркиб топтириш эса, жуда масъулиятли, ўта машаққатли ва қийин жараён эди. Чунки уларнинг онгини қайта шакллантирган ҳолда, улар орқали ёшларни тарбиялаш масаласи кўндаланг турар эди. Ушбу ўта муҳим масалани ҳал қилиш учун олий даражадаги янги мафкура лозим ва у халқнинг маънавияти, руҳиятига мос келадиган, онг озукаси сифатида ҳазм қилинадиган бўлиши лозим эди. Ушбу масала ҳақида Президент И.Каримов «Одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши ва менталитетига асосланган, айтилишда шу халқ, шу миллатнинг келажagini кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишига қодир ғояни мен келажак мафкураси деб биламан», - деб алоҳида таъкидлади.

Ушбу йўналишда ҳал қилиниши лозим бўлган энг долзарб масала – халқнинг миллий-ахлоқий маънавиятини таркиб топтириш эди. Унинг ечимини топишда «Республика маънавият ва маърифат жамоатчилиги маркази» (1994 йил 23 апрел) ҳақидаги Фармоннинг аҳамияти жуда катта бўлди.

Ушбу Фармон мамлакат миқёсида кенг халқ оммаси қатламлари орасида ғоявий – тарбиявий ишларни олиб борилиши ва уни маълум тизимга солинишида муҳим ролни ўйнади.

Миллий-ахлоқий тарбиянинг методологик жиҳатдан асосланишида Президент И.А.Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли»(1992й.), «Ўзбекистон: миллий-ахлоқий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура»(1993й.), «Истиқлол ва маънавият»(1994й.), «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир»(1995й.), «Туркистон - умумий уйимиз»(1995й.), «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда»(1999й.) ва бошқа асарлари асосий ўринни эгаллади. Улардаги асосий йўналиш – ўзбек халқининг миллион йил давомида ҳосил қилган қадриятларини тиклаш, улардан ижобий фойдаланиш, халқ маънавиятини мустақиллик талаблари асосида йўлга қўйиш, бўлажак комил ёш авлодни таркиб топтириш, мустабидлик даврида ҳосил қилинган шўро мафкурасидан халос бўлиш, миллий-ахлоқий ўз –ўзини англашни юқори даражага кўтариш ва ҳоказолардан иборат. Чунки, «Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости ва ер усти табиий бойликлари билан балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир. Шу боис

буюк маънавиятимизни тиклаш ва янада юксалтириш, миллий-ахлоқий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий-ахлоқий заминини мустаҳкамлаш, замон талабалари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш» асосий мақсад ҳисобланади.

Президент И.Каримовнинг асарлари бутун Ўзбекистон халқи учун маънавият озуқаси бўлиб хизмат қилади. Айниқса, уларнинг катта аҳамияти шундан иборат бўлдики, халқнинг кенг оммаси ўртасида ғоявий–сиёсий тарбияни бевосита олиб борувчилар –зиёлиларни мустақиллик ғояси, миллий-ахлоқий мафкура билан қуроллантириш, тўла қонли маънавият, ҳақиқий маърифат сарҳадларини эгаллашлари учун йўлчи –юлдуз бўлиб хизмат қилди.

Ушбу ғоя ва фикрлар асосида маънавият ва унинг туб ўзагининг назарий жиҳатидан ёртилишига оид кўплаб файласуф, педагог олимларнинг асарлари юзага келади. Жумладан, А.Жалоловнинг «Ўзбекистон: мустақиллик маънавият, мафкура» (1994й.), М.Имомназаровнинг «Миллий-ахлоқий маънавиятимиз назариясига чизгилар» (1998й.), А.Азизхўжаевнинг «Давлатчилик ва маънавият»(1997й.), А.Бобомуродовнинг «Ислом одоби ва маданияти» (1995 й.), Э.Юсуповнинг «Инсон камолотининг маънавий асослари»(1998 й.), О.Мусурмоновнинг «Маънавий қадриятлар ва ёшлар тарбияси» (1996 й.) ва бошқалар.

Миллий-ахлоқий тарбиянинг моҳиятини ёритиш, уни амалга оширишга оид педагог олимларнинг ҳам тадқиқотлари вужудга келди. Ушбу тадқиқотлардан М.Қуроновнинг докторлик диссертациясини қайд этиш лозим. М.Қуроновнинг тадқиқотини педагог-олимларнинг миллий-ахлоқий ахлоққа бағишланган салмоқли ишларидан бири деб баҳолаш мумкин. Тадқиқот натижалари унинг «Мактаб маънавияти ва миллий-ахлоқий тарбия» номли монографиясида ўз аксини топган ва унда таъкидланишича, «Миллий-ахлоқийлик – бу ижтимоий тараққиётнинг тадрижий тамойили натижасида йиғилган маданий қадриятлар синтезидир. Миллий-ахлоқий тарбия – ана шу маданий-тадрижий синтезга асосланган ҳолда ёш авлодни замонавий шароитга ва келажакка мос равишда шакллантириш жараёнидир».

Миллий-ахлоқий онг ва мафкуранинг негизи - мафкуравий иммунитет ҳақида Н.Жўраевнинг бир қанча мукамал асарлари мавжуд бўлиб, у таъкидлаганидек «Миллий-ахлоқий ғоя, миллий-ахлоқий онг айна миллий-ахлоқий анъаналар, урф-одатлар ва турмуш тарзи асосида шаклланади. Умуминсоний қадрият даражасига кўтарилган миллий-ахлоқий манфаат атрофида онгли равишда, ақл –идрок йўриғи билан жипслашган ғоягина миллий-ахлоқий мафкурага айланади».

Мустақиллик йилларида миллий-ахлоқий маънавият ва ахлоққа оид асарлар ҳам вужудга келди. Шулар жумласидан, С.Отамуратов, С.Хусанов, Ж.Раматовнинг «Маънавият асослари»да Ислом Каримовнинг миллий-ахлоқий –маънавий тикланиш концепцияси, маънавиятнинг тарихий, назарий-илмий ва амалий заминлари, маънавият тараққиётининг мезонлари ўз ифодасини топган бўлиб, хусусан «Маънавият – инсоннинг руҳиятини, унинг ўз –ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан разолатни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан хунукликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилиятини,

ақл — заковатини, юксак мақсад ва ғояларини қўя билиш, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир», - деб таърифланади.

2-топшириқ. Талабаларни аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида миллий-ахлоқий шакллантириш.

Иккинчи топшириққа эталон жавоб:

Аудиториядан ташқари машғулотлар жараёнида оила, маҳалла ва жамоат ташкилотлари уюштирадиган тадбирларда ёшлар педагогиканинг умумий методлари ва оммавий тарбиявий шакллар асосида миллий-ахлоқий руҳда тарбияланмоқдалар.

3-топшириқ. Талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш жараёнида миллий-ахлоқий шакллантириш.

Учинчи топшириққа эталон жавоб:

Талабаларни миллий-ахлоқий тарбиялаш бўйича мустақил ишнинг асосий мақсади — профессор-ўқитувчи раҳбарлиги ва назорати остида талабада муайян ўқув-тарбиявий ишларни мустақил равишда бажариш учун зарур бўлган билим ва кўникмаларни шакллантириш, ривожлантириш ҳамда уларни аудитория машғулотларида берилган назарий ва амалий билимлардан амалда фойдаланишга ўргатишдир.

Талабаларни миллий-ахлоқий тарбиялаш бўйича талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- дарс пайтида ўтилган мавзулар бўйича билимларни қайта ишлаш ва мустаҳкамлаш;
- тушуниш ва фикрлаш қобилиятини ривожлантириш;
- янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- керакли маълумотларни излаб топишнинг ўулай усуллари, воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбалари ва воситаларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар, меъёрий ҳужжатлар билан ишлаш;
- электрон ўқув адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармоғидан мақсабли фойдаланиш;
- берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришга тизимли ва ижодий ёндашиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш.

МУСТАҚИЛ ИШНИНГ ТАШКИЛИЙ ШАКЛЛАРИ

Мустақил ишни ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- айрим назарий мавзулар бўйича ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил равишда маъруза матни ёки конспект тайёрлаш ва ўзлаштириш;
- берилган мавзу бўйича реферат тайёрлаш;

- семинар ва амалий машғулотларга тайёргарлик кўриш;
- лаборатория ишларини бажаришга тайёргарлик кўриш;
- маълум мавзу бўйича кўргазмали курулар тайёрлаш;
- ҳисоб – график ишларини бажариш;
- курс лойиҳасини бажариш;
- малакавий битирув иши ва магистрлик диссертациясини тайёрлаш;
- назарий билимларни амалиётда қўллаш, ностандарт амалий топшириқларни бажариш;
- амалиётдаги мавжуд муаммоларнинг ечимини топиш;
- макет, модел, бадий асар, мусиқа ва ҳ.к. намуналар яратиш;
- илмий мақола, анжуманга маъруза, тезисларини тайёрлаш;
- илмий мақола, монография ва ҳ.к. ларга тақриз ёзиш.

МУСТАҚИЛ ИШНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Талабаларнинг педагогикадан мустақил иши бўйича фаолияти ўзлаштириш кўрсаткичи (%) бўйича қуйидагига баҳоланади:

86 – 100 фоиз	– «аъло»;
71 – 85 фоиз	– «яхши»;
55 – 70 фоиз	– «қониқарли»;
40 – 54 фоиз	– «қониқарсиз»;
40 дан паст	– «ёмон».

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Баркамол авлод орзуси. – Тошкент, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий-ахлоқий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Тошкент; Ўзбекистон, 1996. 1- жилд.
3. Каримов И.А. Биздан озод ва обод ватан қолсин. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 2- жилд.
4. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. 3- жилд.
5. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, тараққиёт шартлари ва кафолатлари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. «Туркистон» ахборот агентлиги мухбирларининг саволларига жавоблар.–Тошкент: Ўзбекистон, 1999.
8. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонун.- Т.: 1997.
9. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий-ахлоқий дастури» Т.: 1997.
10. Ўзбекистон умумтаълим мактабларининг концепцияси.
11. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: 1992.
12. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. Т.: 1996.
13. Беруний А. Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. – Т.: 1992.

14. Кайковус. Қобуснома. – Т.: 1994.
15. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. – Т.: 1994.
16. А. Навоий. Маҳбуб ул-қулуб. – Т.: 1994.
17. Педагогика (Маърузалар матни). Проф. Ғайбуллаев таҳрири остида. – Т.: ТошДУ нашри, 1999.
18. Узоқов Ҳ., Ғозиев Е., Тожиев А. Оила этикаси ва психологияси. – Т.: 1992.
19. Ғайбуллаев Н.Р. Баркамоллик, маҳсулдорлик – тараққиёт калити. – Т.: 1995.
20. Ҳасанова О., Ҳасанбоев Ж., Ҳамидов Х. Педагогика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1997.
21. Ўзбек педагогикаси антологияси. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
22. Алиқулов Х., Жалолиддин Девоний. – Т.: 1992.
23. Сафо Очил. Мустақиллик маънавияти ва тарбия асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
24. Мусурмонова О. Ўқитувчилар маънавий маданиятини шакллантириш. – Т.: 1993.
25. Мирзаахмедов О.Б. Одоб олтиндан қиммат. – Т.: Ўқитувчи, 1995.
26. Хайруллаев М.М. «Ўрта Осиёда илк уйғониш даври маданияти». – Т.: Фан, 1994.
27. Хайруллаев М. Форобий руҳий процесслар ва таълим-тарбия тўғрисида. – Т.: Ўқитувчи, 1967.
28. Раҳимов С.Р. Абу Али ибн Сино: Таълим ва тарбия ҳақида. – Т.: Ўқитувчи, 1967.
29. Хайруллаев М. «Абу Наср Форобий» – Т.: 1986.
30. Ашраф Аҳмад. «Улуғбек Муҳаммад Трағай» – Т.: 1994.
31. Тоҳиров М., Аҳоров Ю. Мирзо Улуғбек буюк мутафаккир. – Т.: 1992.
32. Миллий-ахлоқий қадриятлар ва таълим-тарбия муаммолари. Амир Темур таваллудининг 660 йиллигига бағишланган халқаро конференция тезислари. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1996.
33. Шодиев Н. Ва б.қ. Темурийлар даври илмий меросидан миллий-ахлоқий тарбиявий жараёнда фойдаланиш. «Амир Темур илм-фан ва маданият ҳомийси» мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференция. 2-қисм, Самарқанд, 1996.
34. Шодиев Н. Мактаб ўқитувчиси ва миллий-ахлоқий тарбия «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва малака ошириш тизими муаммолари. – Самарқанд, 1998.
35. Шодиев Н. Ўрта Осиё мутафаккирларининг педагогик мероси хориж замонавий таълим технологиясида. «Хорижий таълимнинг долзарб муаммолари» мавзусидаги халқаро конференция материаллари, – Самарқанд, 1999.
36. Шодиев Н. Аждодлар маънавий-буюк мерос. «Зарафшон» газетаси. – 2000й. 6 январ.
37. Қуронов М. Мактаб маънавияти ва миллий-ахлоқий тарбия. – Т.: Фан, 1994.
38. Тўрақулов Х.К. Илмий ижодиёт методологияси. – Т.: Фан, 2006.